ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187

КРИПТО-АКТИВЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Исломжон Икромжон ўғли Абдуллаев
Мустақил тадқиқотчи
islomjon7200@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги ривожланиб бораётган «рақамли иқтисодиёт»да содир бўлаётган ўзгаришлар, хусусан, крипто-активларнинг ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ёритилган.

Калит сўзлар: «рақамли иқтисодиёт», крипто-актив, ривожланаётган мамлакатлар, фиат валюта, блокчейн технологияси, peer-to-peer тизими.

ABSTRACT

This article discusses the changes taking place in today's evolving «digital economy», in particular, the impact of crypto-assets on economy of developing countries, including Uzbekistan.

Keywords: «digital economy», crypto-asset, developing countries, fiat currency, blockchain technology, peer-to-peer system.


> «…Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда….»

КИРИШ

Бугунги ривожланиб бораётган ахборот даврида яшар эканмиз, инсониятнинг кундан кунга такомиллашиб бораётган замонавий технологиялар, алоқа ҳамда ахборот алмашинув воситаларига талаби ошиб бормоқда. Мана шундай талаблардан бири электрон тижорат соҳасини тубдан ислоҳ бўлишига олиб келди, десак муболаға бўлмайди.

Гап мутлақо янгича «кўриниш» ҳамда моҳиятга эга бўлган рақамли пуллар, яъни крипто-активлар ҳақида кетмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187



Крипто-актив термини биринчи маротаба 2011 йилда «Forbes» журналида чоп этилган биткойн тизими ҳақидаги мақоладан сўнг оммалашган бўлиб, ушбу пул бирлигининг ҳеч қандай моддий эквиваленти йўқ ва у шунчаки маълумотлар базасидаги қайдлар жамланмасидан иборат виртуал маблағ ҳисобланади. Крипто-актив фақат виртуал маконда мавжуд. Уни айирбошлаш электрон почта орқали хат алмашиниш сингари жуда осон. Бу каби тизимнинг эгаси ва ҳатто ташқи ёки ички бошқарувчиси ҳам йўқ. Ташқи тарафдан тизимнинг ичида содир бўлаётган ўтказмаларга ҳеч қанақасига таъсир ўтказиб бўлмайди. Бундан ташқари, ўтказмалар учун сервиснинг эгаларига ҳеч қандай комиссия тўлови мавжуд емас, чунки унинг эгаси йўқ.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Таъкидлаш жоизки, блокчейн тизими ҳамда ушбу тизимда ишлайдиган крипто-активларнинг назарий жиҳатлари чуқур ўрганилмаган бўлсада, қисман Paul Vigna, Moritz Holtmeier, Philipp Sandner, Melanie Swan, William Mougayar, Pavan Duggal, Michael Casey, Дон ва Алекс Тэпскоттовлар кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Жумладан, Paul Vigna глобал иқтисодиётга блокчейн технологиясининг таъсир доираси, мазкур жараёнда йирик корпорацияларнинг ўрни масалаларига, Michael Casey эса инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда блокчейн, майн технологияларининг ўрнига алоҳида тўхталган ҳолда уларнинг ижобий ва салбий таъсир доираларини таҳлил қилган. Дон ва Алекс Тэпскоттлар (Don & Alex Tapscott), «Блокчейн революцияси» номли асарида блокчейн бу - иқтисодий трансакцияларнинг рақамли тақсимланган журнали ҳисобланади деб таъриф берганлар.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Крипто-активларнинг иқтисодий фаолият, жумладан пул ўтказмаларини амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

1. Крипто-активлар ва уларнинг ишлаш тизими, биткойн криптовалютасининг пайдо бўлиш босқичлари, блокчейн технологиясининг қўллаш соҳалари ва йўналишлари аниқланди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187

2. Иқтисодий фаолиятда крипто-активлардан фойдаланиш самарадорлигининг фиат валюталарга нисбатан қиёсий таҳлили амалга оширилди.

3. Мамлакат рақамли иқтисиётини янада ривожлантириш, шу ўринда блокчейн технологияси ҳамда peer-to-peer тизимидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Таъкидлаш жоизки, мавжуд тизимнинг воситачисизлиги, транзакцияларнинг учинчи томонга, яъни воситачиларга (банклар ва б.) ортиқча тўловларсиз амалга оширилиши ҳамда ушбу операцияларга банкдагига қараганда кам вақт талаб этилиши, шунингдек, узоқ масофадаги тўловларни амалга оширишда қулайлиги крипто-активларнинг оддий фиат валюталарга нисбатан шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда.



1-расм. Бугунги кундаги энг оммабоп крипто-активлардан бири – биткоиннинг 2016-2021 йиллар оралиғидаги нарх ўсиш динамикаси (ўзбек сўмида)

Юқоридаги нарх графигидан кўриниб турибдики, крипто-активларга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, ушбу рақамли активларни мамлакат иқтисодиётига жорий қилишни, ундан аввал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187

эса, уни мамлакат макроиқтисодий хавфсизлигига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини ҳар томонлама, синчковлик билан ўрганиб чиқишни тақазо этади.

Чунки, крипто-активлар миллий валюталарга нисбатан кўп афзалликларга эга бўлишига қарамасдан, бу активларни ҳеч бир мамлакат расмийлаштиришга шошилмайди. Давлатларда крипто-активлардаги ҳеч бир резервнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли, исталган вақтда биржада "портлаш" бўлиб қолса, капитализацияси нолга тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Шунинг учун, бирор мамлакат крипто-активларга эшик очишдан олдин уни тартибга солишни ўйлаб кўриши керак.

Крипто-активларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсири ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун, ушбу тизим активларининг ўзбек сўми ва АҚШ доллари каби марказлаштирилган фиат валюталарга нисбатан афзалликлари ва камчиликларини тушуниш ҳамда уларнинг асосий пайдо бўлиш технологиясини муҳокама қилиш зарур.

Фиат пуллар ва крипто-активларнинг хусусиятлари

1-жадвал

Пулнинг хусусиятлари	Фиат пуллар (Сўм)	Крипто-актив (Биткоин)
Алиштириш усули	моддий (қўлдан-қўлга)	рақамли
Назорат қилиниши	Марказий банк	алгоритм
Бўлинувчанлиги	+	+
Глобал миқёсда фойдаланиш	+	+
Шаффофлилиги	o	+
Бардошлилиги	+	+
Мақбуллилиги	+	o
Марказлашганлиги	+	-
Хавфсизлиги (Қалбакилаштириш)	o	+
Барқарорлиги	o	-
Гаров сифатида бериш мумкинлиги	o	-
+ - юқори o – ўртача - - паст		

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, крипто-активлар ҳам фиат валюталардан кам бўлмаган даражада афзалликларга эга.

Биринчидан, ушбу пул бирлигида амалга ошириладиган транзакциялар шаффоф бўлиб, бу ўз навбатида томонлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, ушбу шаффофлик амалга оширилаётган операцияларнинг хавфсизлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Шунингдек, ушбу операцияларнинг мутлақ автоном ва ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож эмаслиги, учинчи томон (банк) иштирок этмаган ҳолда ва унга ортиқча тўловларсиз амалга оширилишига, айтиш жоиз бўлса, воситачига кетадиган вақт ҳамда маблағнинг тежалишига олиб келади.

Крипто-активларнинг яна бир афзаллиги шундаки, улар мутлақ марказлашмаган, яъни уларни ҳукумат марказий банклари бошқара олмайди (peer-to-peer – шахсдан шахсга тўлов тизими). Шундай қилиб, улар маълум бир географик ҳудуд билан чекланмаган. Бу эса, халқаро пул ўтказмаларини, молиявий алмашинувларни воситачи муассасаларсиз амалга ошириш, уларни четлаштириш орқали эса ўтказмалар тезлигини оширишга эришилади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда фиат валюталар орқали глобал ва ички тўловларни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, кўп вақт талаб қилади. Чунки, операцияларни текшириш учун кўплаб воситачилар мавжуд. Бу ҳолатда бутун жараён баъзи бир хатоларга йўл қўйиши ва маълум миқдорда маблағ талаб қилиши турган гап. Ушбу муаммолар банклар ва бошқа шу каби молиявий муассасалар томонидан пул операцияларини марказлаштириш туфайли келиб чиқади ва улар ушбу транзакциялар учун жавобгардирлар. Бироқ, кўпгина халқаро молиявий ташкилотлар қайд этаётганидек, блокчейн технологиясида ишлайдиган крипто-активлар ушбу мураккабликларни марказлашган давлат тизимидан чиқариш учун ишончли усул ҳисобланади. Қайд этилган peer-to-peer (шахсдан шахсга) тармоғида глобал ва бошқа тўловлар тезроқ, ишончли, ўзгармас ва хавфсизроқ ҳисобланади. Айни вақтда аллақачон пул ўтказмалари хизматлари учун ушбу технологиядан фойдаланаётган «AbravaBitspark» каби бир қанча таниқли молиявий ташкилотлар фаолият юритишмоқда.

Умуман олганда, крипто-активлар мамлакатимиз иқтисоидёти ҳамда қонунчилиги учун янги ҳодиса ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ушбу виртуал активларнинг муомаласи учун механизм мавжуд эмас. Бў эса ўз навбатида,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor 2020-21: 0.89
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-7-182-187

ушбу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишни тақазо этади.

Шунингдек, ўрганилган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу феноменни ҳуқуқий ҳамда иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш бўйича ҳозирги замон талабларига мувофиқ қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчаларлар киритиш зарур (қонунчилик лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда).

Шу билан биргаликда, крипто-активларнинг жаҳон молия бозори келажаги эканлигини инобатга олиб, ушбу йўналишда етук кадрлар тайёрлашга йўналтирилган керакли ўқув-услубий материалларни имкон қадар тегишли таълим тизимига жорий қилиш даркор.

REFERENCES

1. Sloman J., Guest J. and Garratt D., Economics. Harlow, United Kingdom: Pearson Education Limited, 2018.
2. Chiu, J. and Koeppl, T., The Economics of Cryptocurrencies Bitcoin and Beyond. SSRN Electronic Journal, 2017.
3. Paul Vigna, Michael Casey.The Age of Cryptocurrency: How Bitcoin and the Blockchain Are Challenging the Global Economic Order, 2015.
4. Tapscott D., Tapscott A. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin Is Changing Money, Business, and the World, London Portfolio/Penguin, 2016.